

## КОРЕЙС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР

Ирода Санъат кизи Тоҳирова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу илмий мақолада талабаларга корейс тилини ўргатишда таржима компетенциясини шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти борасида сўз боради. Замонавий интерактив, инновацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш ўрганувчиларнинг фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг индивидуал, ижодий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.*

**Калит сўзлар:** интерфаол усуллар, тинглаш, ўқиш, гапириш, грамматика, ўқиш, амалий кўникма ва малакалар, рақобатбардошлик.

### АННОТАЦИЯ

*В этой научной статье исследуются использование интерактивных методов при обучении студентов корейскому языку для формирования переводческой компетенции. Использование современных интерактивных, инновационных и педагогических технологий способствует стимулированию активности студентов, а также развитию их индивидуального, творческого мышления.*

**Ключевые слова:** интерактивные методы, слушание, чтение, разговор, грамматика, чтение, практические навыки и компетенции, конкурентоспособность.

### ABSTRACT

*This scientific article explores the use of interactive methods in teaching students the Korean language for the formation of translation competence. The use of modern interactive, innovative and pedagogical technologies helps to stimulate the activity of students, as well as the development of their individual, creative thinking.*

**Key words:** interactive methods, listening, reading, speaking, grammar, reading, practical skills and competencies, competitiveness.

Ҳаёт тарзи ҳамда маданиятнинг глобаллашув жараёни тобора кенгроқ ва чуқур ривожланиб бормоқда, шу боис ҳам дунёдаги ҳар бир миллий маданият ягона жаҳон маданиятининг доимий ўзгарувчан элементи ҳисобланяпти. Шу боисдан

hozirgi kunda xoriжий тилларни ўрганишга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Маънавий ва моддий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда ҳар бир халқнинг она тили катта ўрин эгаллайди. Хорижий тилларини ўқитишга қўйиладиган талаблар, кун сайин ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб, жаҳонга чиқиш, уларнинг ривожланишларини ўрганиб, секин аста ҳаётга тадбиқ этишдир. Тилни ўзлаштириб, инсон бир вақтнинг ўзида янги миллий маданиятга кириб боради, ушбу тилда сақланадиган улкан бойликни ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Мамлакатимизда таълим соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг таълим тизими тўғрисидаги бир неча қонунлари жорий қилинди. Жумладан Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақтисоати келди. Биз рақобатдош давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассаси раҳбару фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”,-дея таъкидлади. Президентимизнинг “2021-йил 19-майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарори” қабул қилинди<sup>99</sup>.

Ҳозирги кунда шарқ тилларидан таълим берувчи ўқитувчилар томонидан ёзилган дарсликлар асосан ушбу дарсликда берилган матнларда учраган лексик ва грамматик ҳолатларни тушунтириш зарурати асосида ёзилган. Лекин замон талаби эса, кундалик ҳаётда учрайдиган ҳолатларни секин-аста талабаларга сингдириш орқали ёзилган, тинглаш, ўқиш, ёзиш, гапириш каби компетенцияларни қамраб олган дарслик ва ўқув қўлланмаларга тобора талаб ошиб бормоқда.

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 19-майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарори



Шу билан бирга, инсоннинг когнитив тил фаолиятига йўналтирилган янгича таълимга эътибор қаратиш лозим.

Шарқ тилларини ўқитишнинг замонавий методологияси қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Грамматикани ўқитишда янгича ёндашув самарадорлигини ошириш;
2. Контекстни тўғри шакллантириш, унга доир машқларни кўпайтириш;
3. Ўқиш орқали танқидий, мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
4. Оптимал таржима усуллари фаол қўллаш.

**Грамматикани ўқитишда янгича ёндашув самарадорлигини ошириш** – аввало грамматик компетенцияни ривожлантириш учун талаба ўз она тилини грамматик қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Шунда хорижий тиллардаги грамматик қоидаларни ўзлаштириши анчагина енгил кечади. Грамматикани ўқитиш самарадорлигини ошириш чет тилини ўзлаштириш билан боғлиқ, албатта. Шунга қарамай, шарқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиш даркор. Тил грамматикаси, етарли миқдордаги сўз бойлигига эга бўлиш бу ўз навбатида тезроқ ушбу тилнинг қолган компетенциялари – ўқиш, эшитиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантириш имкониятига олиб келади.

**Тўғри контекстни шакллантириш.** Корейс тилининг амалий ривожланишидаги энг қийин пайт белгилар, ҳарфлар ёки грамматик тузилмалар ҳажми эмас, балки контекстга тўғри кириш қобилиятини ривожлантиришдир. Контекст – мулоқотнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан шахснинг хулқ-атворини ва унинг баёнотининг мазмунини белгилайди, ушбу баёнотни лойиҳалаш учун маълум грамматик ва лексик воситаларни танлашга таъсир қилади. Айнан контекст ташқи, юзаки, лексик ва грамматик қобикқа ўранган, баён мазмунини унинг ҳақиқий, чуқур моҳиятидан ажратиш имконини беради.

Шарқ тилларини ўргатишда талабалар анъанавий ва функционал грамматика ўртасидаги фарқни тушунишлари керак. Ўқитувчиларнинг вазифаси шундан иборатки, шарқ тилларини муваффақиятли ўқитиш учун функционал грамматика, бошқача айтганда, оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятига алоҳида эътибор қаратиладиган



Шарқ тилининг шундай грамматик тавсифларини яратиш зарур. Таржимани ўргатишда ўқитувчи талабаларни таржима қилиш фақат маълум бир маълумотни бир тилдан иккинчи тилга автоматик равишда ўзгартириш эмас, балки биринчи навбатда маълум бир лингвистикадан фойдаланиб, бир маданиятдан тизим бошқа маданиятга бирор нарсанинг ғоясини узатиш эканлигига йўналтириши керак.

**Ўқиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш** - бу технология талабаларнинг тадқиқот позициясини шакллантиришнинг самарали воситасидир. Ушбу технология талабаларнинг тадқиқот позициясини шакллантиришнинг самарали воситасидир. Шарқ тилидаги нутқни тингламай, фақат дарсда матнни ўқиш билан кифояланиш яхши самара бермайди. Бундай ҳолат хорижий тилни ичига киришни секинлаштиради. Шунинг учун матнга устувор роль берилади: у ўқилади, қайта ҳикоя қилинади, таҳлил қилинади, ўзгартирилади, шарҳланади, муҳокама қилинади ва ҳоказо<sup>100</sup>. Талаба матнни тушуниши, ўз фикрини ривожлантириши керак, бошқа нуқтаи назарни тинглаш қобилияти ривожлантириш ҳам жуда муҳимдир. Бунда ўқитувчининг роли мувофиқлаштирувчи хусусиятга эгадир. Фикрлаш жараёнини намоиш қилишнинг машҳур усули - бу материалнинг график ташкил этилиши. Моделлар, чизмалар, диаграммалар ва бошқалар. ғоялар ўртасидаги муносабатни акс эттиради. Дарсларда талабани мураккаб матн ва материаллар билан юкламасдан, осонроқ ва каттароқ матнларни ўргатиш орқали натижаларга эришишингиз мумкин.

**Оптималь таржима техникасидан фаол фойдаланиш.** Дарҳақиқат, ҳар қандай тилда таржима қилиш нисбатан осон бўлган ҳолатлар мавжуд - бундай конструкцияларни таржима қилишда грамматик ва бадий эквивалентлик кўзда тутилган тилда адекват мос келадиган лингвистик воситалар мавжудлиги туфайли кўп ҳаракат қилмасдан натижаларга муваффақиятли эришилади. Демак, тилнинг луғат компоненти соҳасида алоҳида лексик birlikлар, бирикмалар, фразеологик

<sup>100</sup> Трофименко О.А. Методики обучения чтению на иностранном языке. // Сборник докладов III международной конференции «Методика преподавания восточных языков: актуальные проблемы преподавания перевода. 2015. – С. 198.



иборалар ва ҳоказолар таржима фанида маълум бўлган турли йўллар билан: калька йўли билан, гипонимик ва гиперонимик таржима ёрдамида, ўхшатиш ёки тавсифий таржима ва бошқа йўллар билан таржима қилинади. Шарқ тиллари матннинг тўғридан тўғри таржима қилмай, балки мантиқий ёндашув талаб қилишни талаб қилувчи матнлари билан машҳур. Матнлардаги “яширин” ҳолатларни ўрганиш, тил бирликларининг моҳиятини тушуниш таржима қарорларининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун таржима қилишда ўқувчига маълумотни бир тилдан иккинчи тилга ўтказишнинг тўғри усулини танлаш имконини берадиган турли хил самарали усулларга эътибор қаратиш лозим.

Е.К.Чаплина “Таржима тил материални ўзлаштиришнинг энг самарали усули ва икки тилнинг тузилишини онгли равишда солиштириш воситасидир” деб таъкидлаган<sup>101</sup>.

И.В.Рахманов эса “Фикрлар фақат лингвистик материал асосида мавжуд бўлганлиги ва ўқувчилар ўз она тилида фикр юритганлиги сабабли, ўқилган ёки эшитилган нарсаларни тушунишнинг ягона воситаси овоз чиқариб ёки ўз она тилига таржима қилишдир” деб ёзади.<sup>102</sup>

Чет тилларини ўқитишда ўқитувчилар томонидан танланган ўқитиш усуллари катта роль ўйнайди.

Бу борада М.И.Махмутовнинг фикрига кўра “ўқитиш усули - бу ўқитувчи ва талабалар муайян мақсадга эришишга олиб келадиган аниқ ҳаракатлар усуллари ва усуллари танлаган ўқитиш тамойиллари билан белгиланадиган педагогик ўзаро таъсир қоидалари тизими”<sup>103</sup>. Ўқитиш усули ўқитувчи ва талабалар фаолиятининг ўзаро таъсири турини акс эттиради, бу ўқувчиларга билим ва кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштириш, уларни амалиётда қўллаш, шунингдек, билим

<sup>101</sup> Чаплина Е.К. О сознательном обучении иностранным языкам в средней школе. // Иностр. языки в школе. - 1948. - № 2. - С. 72.

<sup>102</sup> Рахманов И.В. О задачах преподавания иностранных языков в школе / Известия АПН РСФСР. Вып. 32. - М., 1951. - С. 128.

<sup>103</sup>. Махмутов М.И. Современный урок: Вопросы теории. - М.: Педагогика, 1985. - С.150.



қобилиятлари ва мустақил равишда ҳаракат қилиш, ўзини ривожлантириш имконини берадиган ўқитиш ва ўқитиш усулларининг маълум бир комбинациясидир<sup>104</sup>.

М.Л.Вайсбурд хорижий тилни ўргатишни самадорлиги бўйича фикрига кўра “Бизнинг давримизда чет тилини ўргатишнинг асосий усули бу – фаоллик-шахсийлик-коммуникативлик деб ҳисоблаймиз”. - дейди<sup>105</sup>.

Ўқувчиларни дарсга қизиқтирадиган ва уларни ўз устида ишлашга ундайдиган замонавий усулларни кўриб чиқамиз:

**Биринчи усул:** 5-6 гапдан иборат матн тузиш учун гапиринг. Матнга алоқадор бўлмаган битта сўзни қўшишингиз керак. Бошқа бир гуруҳ талабалар сўзни топишлари керак бўлади. Бу талабалар бир-бирларини тушунишларига, матнлар тузишга ўргатади.

**Иккинчи усул:** Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ нотаниш матнни беради, лекин матннинг хулосаси кўрсатилмайди. Ушбу гуруҳ аъзолари матн қандай тугашини топишлари керак.

**Учинчи усул:** Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳ талабаларига матнни тесқари, тарқоқ ҳолда беради. Бу гуруҳ тарқоқ матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда кетма-кетликда жойлаштирилиши керак.

**Тўртинчи усул:** “Аквариум” - бу болалардан “жамоат олдида” бирон бир вазифани бажариш сўралганда амалга ошириладиган суҳбат шакли. Вазифалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ўрганилаётган тил мамлакатининг анъаналари (миллий таомлари, кийим-кечаклари, маданий-тарихий обидалари ва бошқалар) ҳақидаги ўқитувчининг саволларига жавоб бериш;

- доскада ёки тарқатма материалларда (карталарда) ёзилган гапларни тўлдириш (гапларга сўзларни киритиш, улардаги хатоларни топиш);

<sup>104</sup> Махмутов М.И. Проблемное обучение. Основные вопросы теории. М., Педагогика, 1975. – С.79

<sup>105</sup>Вайсбурд М.Л. Методы обучения. Выбор за вами // Иностр. языки в школе. – 2000. – № 2. – С. 30



- доскада (тарқатма материалда) ёзилган ёки ўқитувчи (талабалар) томонидан айтилган сўзларни (ибораларни, жумлаларни) таржима қилиш;

- тинглаган матн (кўшиқлар, диалоглар, монологлар, радиодастурлар) маълумотлари асосида топшириқларни бажариш.

Кичкина гуруҳ муаммо бўйича у ёки бу суҳбатни ўтказиш учун ишониши мумкин бўлган одамни танлайди. Баъзан бир нечта хоҳловчилар бўлиши мумкин. Бошқа барча талабалар томошабин сифатида ҳаракат қилишади. Шунинг учун бу усулнинг номи – “аквариум”.

Ҳар бир боланинг ёзиш ва фикрлаш қобилияти ҳар хил, шунинг учун агар биз уларга битта топшириқ берсак, улар буни турли вақт оралиғида бажаришлари мумкин. Бундай ҳолда, кўпчилигимиз топшириқни бошқалардан олдин бажарганларга қўшимча топшириқлар беришга мойилмиз. Ўз-ўзини ривожлантиришни яхшилаш учун; баъзи мустақил вазифалар тўпламини беришимиз керак. Бироқ, баъзи ўқитувчилар уларни дарс охиригача нима қилишлари ҳақида фикр алмашишга ундашнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблашади<sup>106</sup>.

Аслини олганда, янги педтехнология – бу ўқишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндошувдир. Педтехнологияни яхши ўзлаштирган педагоглар учун бу усулнинг анъанавий усулга кўра самарали эканлиги маълум. Шундай экан, педагоглар учун кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педтехнологияни ўзлаштириш ва уни амалда қўллаш зарурлигини билдиради. Тарбия жараёнининг технологик муаммоларини ечишда ҳар бир тарбиячи ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлини ўташи, вақти-вақти билан долзарб босқичлар орасида фаолиятини назорат қилиб, кузатишлар киритиб бориши зарур. Долзарб нуқталар орасида ҳар бир педагог муайян шароитда, бор имкониятлардан фойдаланиб, ижодий фаолият олиб бориши талаб этилади.

---

<sup>106</sup> Eshboeva, D. A. (2020). Teaching english at pre-school education. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(11), 399-403.





Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тайёргарлиги зарур даражада бўлган ҳолда, дарсларни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тўғри мотивация асосида шарқ тиллари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 19-майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарори
2. Вайсбурд М.Л. Методы обучения. Выбор за вами // Иностр. языки в школе. - 2000. - № 2. - С. 29-34
3. Махмутов М.И. Проблемное обучение. Основные вопросы теории. М., Педагогика, 1975. - 368 с.
4. Махмутов М.И. Современный урок: Вопросы теории. - М.: Педагогика, 1985. - 192 с.
5. Рахманов И.В. О задачах преподавания иностранных языков в школе / Известия АПН РСФСР. Вып. 32. - М., 1951. - С. 128.
6. Трофименко О.А. Методики обучения чтению на иностранном языке. // Сборник докладов III международной конференции «Методика преподавания восточных языков: актуальные проблемы преподавания перевода. 2015. – С. 198.
7. Чаплина Е.К. О сознательном обучении иностранным языкам в средней школе. // Иностр. языки в школе. - 1948. - № 2. - С. 72.
8. Eshboeva, D. A. (2020). TEACHING ENGLISH AT PRE-SCHOOL EDUCATION. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(11), 399-403.